

Бошиқарма

Электр таъминотининг шартномасига  
8 - илова

Энергия таъминоти ташкилоти тармоқларига уланган истеъмолчиларнинг  
электр қурилмаларининг урнатилган қуввати тугрисида  
**МАЪЛУМОТ**

**А. Трансформаторлар**

Трасформаторларни урнатиш жойи	Трансформаторнинг паспорт маълумотлари						Шартнома тузиш вақтида урғача юклама (кВт ёки А)
	Тури	Қуввати (кВА)	Қучла-ниши (кВ)	Ток (А)	Қиска туташув исрофлари (кВт.с)	Салт юриш (кВт.с)	

**Б. Бошқа ток қабул қилувчилар**

Электр двигателлар		Электр пайвандлаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб чиқаришни ёритиш		Изох
Соши (дона)	Қуввати (кВт)	Соши (дона)	Қуввати (кВт)	Соши (дона)	Қуввати (кВт)	кВт	Шу жумладан энерготежам-кор (кВт)	

**В. Узга субабонент истеъмолчилар**

Истеъмолчиларнинг номланиши, манзилгохи	Урнатилган қуввати (кВт, кВА)	Электр хисоблагичнинг завод рақами	Диспетчерлик номланиши	Тариф, сум/кВт.с учун	Изох

Истеъмолчи:  
**Б. Арғиқов**  
М.У. (Имзо)

Имзолар:  
**\_\_\_\_\_**  
Корхона:  
М.У. (Имзо)

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ  
«СИРДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Гулистон шаҳар ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
КОРХОНАСИ



ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА  
БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР  
УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ

№ 011577

(корхона ва ташкилот номи)

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ**

20 \_\_\_\_ йил " \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ -сон \_\_\_\_\_

*Имомтоғ М.*  
ИШТИРОКНОМИ

*Имомтоғ* асосида фаолият юритувчи

*Имомтоғ шаҳар* **Электр тармоқлари корхонаси АЖ**  
(туман(шаҳар) электр таъминоти корхонасининг номи)

рахбари \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда \_\_\_\_\_  
(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда *Имомтоғ* асосида фаолият юритувчи *ДХН Сирдарё вилояти Банкирамаси*

рахбари *Б.Артиқов* (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади).  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

хисоб рақами - \_\_\_\_\_ иккинчи томондан маъкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБИ А ОЛИШ**

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив *114000* кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВт.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи *450* сўми, тариф бўйича *51300000* сўм ташкил этади.

*тариф тури, табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (кератик ёки ёнаси)*

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқларикорхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

**III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

Электр таъминотининг шартномасига  
7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг \_\_\_\_\_ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзга келганда Истеъмолчи куйидагиларни бажариши керак:

1. Усуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, захарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам қиради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

- I босқич \_\_\_\_\_ кВт
- II босқич \_\_\_\_\_ кВт
- III босқич \_\_\_\_\_ кВт
- IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юклатиш остида қолдирилади.

б) Ёнғинга қарши захира насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига қирмайди (узиб агрегатлар, заруратга қараб, олдидан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар: \_\_\_\_\_  
Истеъмолчи: *Б.Артиқов* (Имзо)  
Корхона: \_\_\_\_\_ (Имзо)

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийمатининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Тарифга устима қўйилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади; Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жазима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни старича тўлирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўшаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, таъдир этилади.

Чегирма қўйилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи:

*Б. Арғинов*  
(Имзо)



Корхона:

(Имзо)

*М.Ў.*  
М.Ў.



Электр таъминотининг шартномасига

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда ўсувчи коэффициентини қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар камаювчи коэффициентини қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тугри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбобларни кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасида ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурлиги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда "Бюро" деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-шловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг "\_\_\_\_" санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташқари тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кўз/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймаги учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камидан 5 кун олдин билдирги тартибида Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнанг охиригача яқуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар қўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим эгади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

*(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисоб-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори)*

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳажми ёзиш учун қўшиб борилади.

*(6-7-иловадаги реактив қувватга эга ва технологик бралли истеъмолчилар тўлдирди)*

3.9 Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатиладиганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатиладиган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

Электр таъминотининг шартномасига  
6 - илова

## Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

### 1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1	Автоматик бошқариладиган. 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2	Қўлда бошқариладиган 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16+36.) кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

*ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини тўлдиргани шарт эмас.*



Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тулов талабномаси куйиш йули билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида "Бюро" томонидан мажбурий ундурувга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралаштириш хатги-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда;

электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Бюро ва электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади.

3.16. Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тулов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридан тулов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тулов тарифлари куйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан;

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м,  
Қесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Қучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м,  
Қесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Қучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманин 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанин электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташиқлотлари истеъмолига қаратилади

Истеъмолчи: Б. Артеков (Имзо) М.Ў.  
Корхона: \_\_\_\_\_ (Имзо) М.Ў.

Электр таъминотининг шартномасига  
3 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: *Хар-бир электр хисоблагич учун алоҳида 3- ва 4-иловалар тузилади*

Хисоблагич № \_\_\_\_\_ т/ток \_\_\_\_\_ кучланиш \_\_\_\_\_ коэффициент \_\_\_\_\_ уланган қуввати \_\_\_\_\_ кет  
Хисоблагичдан ўрнатилган манзил: \_\_\_\_\_

шаҳар, кфй, мфй, куча уй № \_\_\_\_\_

1. Тариф гуруҳи \_\_\_\_\_ Фаолият тури \_\_\_\_\_  
Труба шакли, Шлакоблок, Фиш, Пленка шил, Чил, Асфа, цехи, Наос, Саодо, Кафе, Ойхона, Устакона ва. ???

1. "Истеъмолчи" нинг балансда куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари \_\_\_\_\_

б) кабель линиялари \_\_\_\_\_

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ кВА

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси \_\_\_\_\_

3. Улардан куйидагиларга:

а) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) \_\_\_\_\_

Истеъмолчи билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиш" № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й.  
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат  
кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузмаса  
томонидан хизмат кўрсатилмайди"

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик  
чегараси куйидагича белгиланди: \_\_\_\_\_

Вазиллар:

Истеъмолчи



М.Ў.

Корхона

(ИМЗО)

М.Ў.



(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги  
525-ф-сонли Фармойишига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-  
маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва  
имтиёزلар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш  
мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг  
1 сентябрдан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви,  
иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чиқиндиларни ташиш)га  
тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга  
мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр  
энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталishi ёки тўхтатиб кўйилиши сабаблари  
тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида  
белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмининг  
ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий  
ой тугагунгача) берилиши ва сураётган қушимча миқдор учун 100% олдиндан тулов амалга  
оширилган булиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат  
стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган  
зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблагни  
кайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал  
этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга  
(мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур  
техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик  
техникаси қондаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг  
носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, юзарага расмийлаштириш ёки бошқа  
сабабларга қура кучиб кетган тақдирда, бу ҳақда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда  
хабардор қилиш;

ЭЭХНАТ (АИСКУЭ) тизимини барқарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг  
бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) «СМС» орқали юборилган хабарнома,

огохлантириш хатларига уз вақтида муносабатларини билдириш ва зарур ҳолда дарҳол энерготаяминот корхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

энергетика тизимининг «Электрхисоб» компьютер дастурига истёъмолчининг бириктирилган телефон рақами (боғланиш нуктаси)га шунингдек бошқа бирон реквизитлари узгарган ҳолда ҳолда истёъмолчи дарҳол электр таъминоти корхонасига хабар бериши;

Бюро ва «Ўзэнергоинспекция» қовуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва/ёки Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда руҳсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қаида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистёъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истёъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истёъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истёъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истёъмолчилар мазкур Қоидаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истёъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни қамайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни қамайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни қамайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

«Истёъмолчи»нинг (суб-Истёъмолчи)нинг ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кулланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал том)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қўлқопдаги пломбанинг рақами		Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициенти		Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган қуввати кўрсаткичлари ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/1 кВт с
			Корхона-нинг	Бюро-нинг	Тох	Кучланиш		

Истёъмолчи:  
**Б. Арғисов**  
М.Ў. (Имзо)

Имзолар:  
Корхона:  
М.Ў. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига  
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи \_\_\_\_\_
2. Фаолият тури \_\_\_\_\_
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рұхсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тонфаси (лойиха бўйича) \_\_\_\_\_
6. Ҳисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури: тавақаллаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тегиштирашган (кераклиси ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
Йил, жами	114000				
Январ	9500				
Феврал	9500				
Март	9500				
Апрел	9500				
Май	9500				
Июн	9500				
Июл	9500				
Август	9500				
Сентябр	9500				
Октябр	9500				
Ноябр	9500				
Декабр	9500				

Таъминот кунига ишлайди \_\_\_\_\_ соат, ойга \_\_\_\_\_ кун

Умумий юкга исбатдан сменалар бўйича юкланиш % I \_\_\_\_\_, II \_\_\_\_\_, III \_\_\_\_\_



М.Ў

(Имзо, Ф.И.Ш. сани)



М.Ў

(Имзо, Ф.И.Ш. сани)

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истикбол учун) таъминот-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимда, Бюрони хабардор қилиб Истеъмолчининг электр тармоғидан узиб қўйиш;

электр хужалиғи объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қуриш зарур бўлганда истеъмолчининг оғохлантирмай ва у билан тегишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчининг олдиндан тўланган ҳақ тўтаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчининг электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайд.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергиянинг электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиши чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хужалиғи объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хужалиғи объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан оғохлантириш;

Истеъмолчининг электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш.

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолнинг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватнинг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадавали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбан автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулоқда авария ҳолатлари юзга келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси ўзи билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган чеклашлар киритилганда, "электр қурилмаларини тузилиши қоидалари"нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончилиги тоифаси (категория)га тўғри келмаган (лойиҳа талаблари бажарилмаганда) ҳолда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари буйича келиб чиқадиган низолар буйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жарасида юзга келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг илжи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

#### VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга кирари.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш буйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ишбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

#### VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Истеъмолчи: ДХА Сирдарё вилояти бошқармаси

Юридик манзили: Ёушетап шаҳар, Ҳ.Дўстмуҳаммад 31/1

Ҳисобрақами \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг ҳисобрақами \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

Бюджетдан ташқари фондининг ҳисобрақами 401021860244019019902255001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 204268852

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: 67-225-16-80 Факс: 67-225-16-01 e-mail: \_\_\_\_\_

(Истеъмолчининг, шу ҳужжатдан раҳбарнинг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзмада)

Кадастр № \_\_\_\_\_

Статистик кодлар:

ОКЭД \_\_\_\_\_

СООГУ \_\_\_\_\_

СОАТО \_\_\_\_\_

КФС \_\_\_\_\_

КОПФ \_\_\_\_\_

ОКПО \_\_\_\_\_

КОРХОНА: Ёушетап шаҳар Электр тармоқлари қорхонаси АХ

Почта манзили \_\_\_\_\_

Ҳисобрақами 22636000300234819414

Банк коди (МФО) 00855 (ИНН) 200324414

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

Статистик кодлар:

СООГУ \_\_\_\_\_

СОАТО \_\_\_\_\_

Истеъмолчи:

Б. Артықов

М.У. иқтис. филология ф.и.о.

Корхона:

М.У. иқтис. филология ф.и.о.

ҲУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ.

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси

ҳуқуқшуноси

И. Юлдашев

Ўз.Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари мόνӣлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоми ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Ҳуқуқшунос:

(имзоси)